

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,  
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**200** Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган  
акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбу-  
рий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бан-  
дига ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1801-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги ПФ-4561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатла-  
рига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини  
йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониغا асосан Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон Республика-  
сининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлан-  
тириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-  
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат  
қўмитасининг 2008 йил 2 апрелдаги 2008-06, 01/ЦККФРЦБ-18/02-сон қаро-  
ри (рўйхат рақами 1801, 2008 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 152-модда) билан тасдиқланган Ус-  
тав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари-  
ни фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом-  
нинг 1-банди тўртинчи хатбошисидagi «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли  
қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган  
сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш  
маркази бош директори**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 16 апрель,  
2014-16-сон

**Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси**

**А. АБДУҲАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 16 апрель,  
01/37-26/15-сон